

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш бўйича  
ШАРТНОМА № 215

« 10 » 01 2022 йил

Фарғона шаҳар

«UNIVERSAL POCHTASI» унитар корхонаси Фарғона филиали номидан 03.09.2019 йилдаги №1/1-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал директори З.Исмоилов матнда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб номланувчи бир томондан ва иккинчи томондан Фарғона давлат уни.верситети Низом асосида иш юритувчи раҳбари Б.Шермухаммадов (бундан кейин «БҮЮРТМАЧИ» деб юритилади) куйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ», «БҮЮРТМАЧИ»нинг талабига кўра 2022 йил учун «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»нинг обуна каталогига киритилган даврий нашрларга (бундан буён нашр) обуна расмийлаштириш ва етказиб бериш мажбуриятини олади, «БҮЮРТМАЧИ» бўлса нашрни қабул қилиш ва ушбу шартнома шартларида назарда тутилган шартлар ва тартибда нашр ҳамда етказиб бериш хизмати учун тўлаш мажбуриятини олади.

№	Газета ва журналлар номи	ўлчов бирлиги	обуна даври	обуна миқдари	обуна нархи	суммаси
1	Янги Ўзбекистон	дона	йиллик	600	893 000	535 800 000
	<b>Жами:</b>			<b>600</b>	<b>x</b>	<b>535 800 000</b>

Шартноманинг умумий суммаси 535 800 000 минг сўм.

(Беш юз ўттиз беш миллион саккиз юз минг) сўм

1.2. Мазкур шартнома бўйича нашрларни етказиб бериш муддати 01.01.2022 йилдан - 31.12.2022 йилгача.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

• Нашрни «БҮЮРТМАЧИ»га шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда етказиб беради.

• «БҮЮРТМАЧИ» томондан нуқсонли ёки яроқсиз нашрни алмаштириб бериш талаб қилинганда, сўров тақдим этилган кундан бошлаб йигирма кун ичида алмаштирилади.

2.2. «БҮЮРТМАЧИ»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

• Етказиб берилган нашрни қабул қилиш.

• Ушбу шартнома шартларига мувофиқ нашрлар учун тўловни амалга ошириш.

• Нашрларни олгандан сўнг, нуқсонлар аниқланганда ўзининг хоҳишига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

➢ худди шундай, лекин нуқсонсиз нашр билан алмаштириш;

➢ нуқсонли нашр учун тўланган маблағларни қайтариб олиш;

• Ушбу талаблар «БҮЮРТМАЧИ»нинг тегишли талабномаси берилган кундан бошлаб 20 кундан кечиктирмай бажарилади.

### 3. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Нашр нархи ва етказиб бериш хизмати «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан белгиланади ва буюртманоманда кўрсатилади ҳамда ушбу шартноманинг амал қилиш даврида ўзгартирилмайди.

3.2. «БҮЮРТМАЧИ» ушбу шартноманинг 100 фоизи миқдоридан пул маблағини 2022 йил 31 декабрига қадар «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»нинг банк ҳисоб рақамига пул ўтказиш ёки банк пластик картаси орқали Ўзбекистон Республикаси «сўм»ида амалга оширилади.

### 4. НАШРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нашр «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан «БҮЮРТМАЧИ» тақдим қилган манзил ёки манзилларга етказиб берилади.

4.2. «Етказиб берувчи» нашрни нашриётдан ёки нашр чиқарадиган бошқа шахсдан олинган пайтдан бошлаб даврий нашрларнинг чоп этилиш частотасини ҳисобга олган ҳолда «БҮЮРТМАЧИ»га етказиб беради.

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амаллаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» даврий нашрларни чиқиши тўхтатилиши ёки вақтинча тўхтатиб турилиши, кечикиши, шунингдек тахририят томонидан бир томонлама даврий нашрларнинг чиқиш даврийлиги ўзгарганлиги, белгиланган муддатда чиқарилмаслиги ва сони ёки сифат таснифлари ўзгартирилганлиги билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш имконсиз ҳолларда жавобгар эмас.

5.3. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нашрнинг мазмуни, шакли ёки бошқа мазмуни учун «БҮЮРТМАЧИ» олдида жавобгар эмас.

5.4. Нашр параметрлари (шакл, мазмун, даврий нашрларининг чиқиш даврийлиги) ўзгарганда, «БҮЮРТМАЧИ» бевосита тахририятга ёки даврий нашрларни чиқараётган шахсга даъво қилиш ҳуқуқига эга.

5.5. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ушбу шартноманинг 3.2-бандига мувофиқ «БҮЮРТМАЧИ»нинг нашр учун ҳақ тўлаш мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан бундай ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда нашр етказиб бериш шартларини бузганлиги учун жавобгар бўлмайди.

5.6. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ», «БУЮРТМАЧИ»нинг даврий нашрлари олинмаганлиги ёки тўлиқ олмаганлиги учун жавобгардир ва 20 кун ичида «БУЮРТМАЧИ» томонидан қабул қилинмаган маҳсулотни етказиб бериш бўйича «БУЮРТМАЧИ»нинг ҳуқуқий талабларини бартараф этади. Бундай даъволар бўлмаган тақдирда, «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ», «БУЮРТМАЧИ»нинг ҳисобот даврида нашр етказиб бериш тартибини бузиш билан боғлиқ даъволарини қабул қилмайди ва жавобгарликдан озод қилинади.

5.7. Агар томонлардан бири ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги иккинчи томоннинг айби туфайли содир этилганлигини исботласа, жавобгарликдан озод этилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Томонлар ўз ихтиёрларида бўлмаган форс-мажор ҳолати, яъни зилзила, сув тошқини, ёнғин, табиий офатлар, эпидемия, ҳарбий ҳаракатлар, ҳукуматнинг айрим фаолият турини таъқиқловчи қарорлари сабабли шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Бунда, ўзига нисбатан форс-мажор ҳолати юзага келган томон иккинчи томонни 24 соат ичида ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Шартномани бажариш муддати, томонлар келишувига кўра форс-мажор ҳолати муддатига узайтирилиши ёки шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

7.1. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача ва ҳисоб-китоблар жиҳатидан, уларнинг тўлиқ амалга оширилгунга қадар амал қилади. Шартноманинг бекор қилиниши томонларнинг шартнома бўйича бекор қилингунга қадар юзага келган мажбуриятлари бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

7.2. Шартномага киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда амалга оширилиб, ҳар икки томон томонидан имзоланган тақдирда амал қилади. Томонларнинг тегишли қўшимча келишувлари шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3. Шартномани бир томонлама бекор қилиш, бир томон иккинчи томонга ёзма хабарнома юбориши йўли билан амалга оширилиши лозим. Агар хабарномада бошқача белгиланмаган бўлмаса, шартнома ушбу хабарнома олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кундан кейин бекор қилинади.

7.4. Шартномага ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда киритилиб, тарафларнинг тегишлича ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади. Бу ҳолда тарафларнинг ваколатли вакиллари тегишли тарафнинг Устави (бошқа таъсис ҳужжати) асосида ҳаракат қилувчи шахслар, шунингдек ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи шахслар ҳисобланади.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартнома бандларини бажариш юзасидан келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, томонлар уларни музокара йўли билан ҳал этишни зиммаларига оладилар. Шунда умумий ечимга келишишнинг имконияти бўлмаса, масала Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида Фарғона туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

## 9. БОШҚА ҚОИДА ВА ШАРТЛАР

9.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада, тарафларнинг ҳар бири учун биттадан оддий ёзма шаклда тузилади.

9.2. Ушбу шартнома 202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан, 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди.

9.3. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

#### «UNIVERSAL POCHTAS!»

##### УНИТАР КОРХОНАСИ

Манзил: 150103, Фарғона ш. Б.Марғиновий кўчаси 147-уй

Тел/факс: +99891 652-02-20

Х/р: 20 208 000 505 114 894 002

Банк: АТБ «O'ZSANOATQURILISHBANK» Фарғона минтақавий филиали

МФО: 00494, СТИР: 306 657 886

ИФУТ: 53200, ҚҚС коди: 350260105805

### «БУЮРТМАЧИ»

Farg'ona davlat universiteti  
Farg'ona shahar, Murabbiylar k-si 19-uy.

TEL/Fax: 244 44 93, 244 44 28

Shxr: 400910860304017094100079001

STIR 201133366 OKONX 92T10

O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi G'aznachiligi

X/r 23402000300100001010

СТИР: ХКММ Markaziy bank Тошкент шаҳар ББ

ИФУТ: STIR 201122919

Манзил:

Тел/факс:

шхр:

Банк:

СТИР:

Молия вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/р: 23 402 000 300 100 001 010

Банк: Марказий банк Тошкент ш ХКМ

МФО: 00014, Ҳазначилик СТИР: 201122919

Филиал директори **С.Исмоилов**

М.У.

(имзо)

Раҳбар:

М.У.

Ф.И.Ш.

(имзо)

